



### ГЕОЛОГИЯ-ҚИДИРУВ ИШЛАРИ БЎЙИЧА ДАСТУР ИШЛАБ ЧИҚИШ ВАЗИФАСИ ҚЎЙИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 19 май куни геология соҳасини янада ривожлантириш, фойдали маъданлар ва ер ости суви захираларини кенгайтиришга қаратилган лойиҳалар тақдимоти билан танишди.

Сўнгги йилларда юртимиз геологияси ҳам илм, ҳам технология жиҳатидан кўнрайтирилган натижасида қидирув ишларининг қамрови кенгайди, ер ости бойлиқларининг янги захиралари аниқланди. Уларга асосланиб, йирик корхоналар қурилмоқда, истиқболли лойиҳалар ишлаб чиқилмоқда.

Хусусан, уран бўйича 27 та янги кон очилиб, барқарор хом ашё базаси яратилди. Лекин соҳадаги имкониятлар анча кўп. Шу боис давлатимиз раҳбари нодир ва ноёб металллар қазиб олиш ҳажминини ошириш бўйича топшириқ берган эди.

Тақдимотда мутасаддилар шу борада ишлаб чиқилган режалар юзасидан ахборот берди. Унга кўра умумий қиймати 182 миллион долларлик 14 лойиҳа шакллантирилган.

Президентимиз бу лойиҳалар билан чегараланмасдан, юқориқоқ марра олиш кераклигини таъкидлади.

Шу мақсадда, 2022 — 2026 йилларда геология-қидирув ишларини амалга ошириш бўйича алоҳида дастур ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди. Бу дастурда 8 та янги кон ва 18 та истиқболли майдон ҳисобига уран захирасини ошириш, замонавий бурғилаш ускуналарини олиб келиш, рақамли геология моделини яратиш кўзда тутилди.

Шунингдек, "Навоийурдан" давлат корхонасини трансформация қилиш, хорижий мутахассисларни жалб этиб, технологик жа-

раёнларни такомиллаштириш бўйича кўрсатмалар берилди.

Уран захирасини халқаро стандартларга мувофиқ баҳолаш, сўнгги технологиялар асосида рудадан урани ажратиш олиш даражасини ошириш муҳимлиги қайд этилди.

Тақдимотда истиқболли конларни тайёрлаш ва уларга инвесторларни жалб қилишга оид тақлиф ҳам қўриб чиқилди. Унга кўра Ўзбекистон Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ҳузурида "Янги кон" лойиҳа офиси ташкил этилиши, унинг устав капиталига 15 миллион доллар ажратиш мўлжалланган. Бу лойиҳа офиси литий, алюминий, магний, графит ва бошқа нодир металлларни ишлаб чиқариш бўйича инвестиция лойиҳаларини амалга оширади.

Давлатимиз раҳбари жаҳон бозорига уран нархи барқарор ўсиб бораётгани, янги лойиҳаларда бу хом ашёни қайта ишлаш ва қўйилган қиймат яратишга алоҳида эътибор қаратиш кераклигини таъкидлади.

Албатта, бунинг учун малакали кадрлар ҳам зарур. Шу боис Президентимиз ташаббуси билан Геология фанлари университети ташкил этилган эди. Навоий кончили институтига университет мақоми берилди. Италиянинг Пиза ҳамда Россиянинг Санкт-Петербург кончили университетлари билан қўшма дастурлар тузилди.

Лекин замонавий билимга эга, ахборот

технологиялари ва хорижий тилларни яхши ўзлаштирган ўрта бўғин мутахассисларини тайёрлаш суи. Жумладан, биргина Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси тизимига йилга 300 дан ортиқ ўрта бўғин мутахассисларга эҳтиёж бор.

Шу боис Зарафшон, Ангрэн ва Ғузордаги техникумларда геологияга ихтисослаштирилган йўналишларни кўпайтириб, малакали ишчилар тайёрлаш зарурлиги таъкидланди.

Ўтган йили мамлакатимизда мис санаяти кластери ташкил этилган эди. Дастурга кўра мис ишлаб чиқариши яна "занжир" асосида 2 бараварга кўпайтириб, 8 миллиард долларлик маҳсулот ишлаб чиқариш режа қилинган.

Тақдимотда шу борада амалга оширилаётган ишлар тўғрисида ҳам хисобот берилди.

Маълумки, минтақамиздаги энг долзарб муаммолардан бири бу — сув таъминоти. Бундай шартда ер ости сувидан ақл билан фойдаланиш зарур. Афсуски, сўнгги йилларда ер ости сувининг сатҳи юртимиздаги 13 та туманда 5 метргача, 9 та туманда 20 метргача пасайган.

Шу боис Президентимиз мутасадди ташкилотларга ер ости суви захираларини кўпайтириш ва улардан оқилона фойдаланишни ташкил этиш бўйича топшириқлар берди.

Ў.А.

### ЎЗБЕКИСТОН ВА ҚИРҒИЗИСТОН ПРЕЗИДЕНТЛАРИ ИККИ ТОМОНЛАМА ҲАМКОРЛИКНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИНИ МУҲОКАМА ҚИЛДИЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 19 май куни Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаров билан телефон орқали мулоқоти бўлиб ўтди.

Ўзбекистон ва Қирғизистон ўртасидаги дўстлик, яхши қўшничилик ва стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлашнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди.

Турли даражаларда ўзаро мулоқот ва алмашинувлар фаоллашгани мамнуният билан қайд этилди. Савдо-иқтисодий ҳамкорлик кенгайтириш бормоқда — йил бошидан товар айирбош-лаш 30 фоизга ошди.

Эришилган келишувларни амалга ошириш ҳамда бешта муҳим йўналиш — Давлат чегарасига оид масалаларда, савдо-сотикни кўпайтириш, саноат кооперациясини кенгайтириш, транспорт ва энергетика соҳаларида қўшма ин-

фратузилма лойиҳаларини илгари суриш борасидаги амалий ҳамкорликда аниқ натижаларга эришишга алоҳида эътибор қаратилди.

Минтақавий мулоқот масалалари муҳокама қилинар экан, Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг навбатдаги Маслаҳат учрашуви кун тартибининг ҳар томонлама тайёрлаш муҳимлиги қайд этилди.

Етакчилар бўлажак икки ва кўп томонлама тadbирлар режасини ҳам кўриб чиқдилар.

Ўзбекистон ва Қирғизистон Президентларининг телефон орқали мулоқоти ҳар доимгидек очкичлик, ишонч ва дўстлик руҳида ўтди.

Ў.А.

### Мулоқот

### ШҲТ маданият вазирлари учрашуви

19 май куни Тошкентда Ўзбекистон томони раислигида Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар маданият вазирларининг XIX йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда Хиндистон Республикаси давлат маданият вазири Аржун Рам Мегвал, Қозоғистон Республикаси маданият ва спорт вазири Даурен Абаев, Хитой Халқ Республикаси маданият ва туризм вазири ўринбосари Жао Сюан, Қирғизистон Республикаси маданият, ахборот, спорт ва ёшлар сиёсати вазири Азамат Жаманкулов, Покистон Ислам Республикаси федерал таълим, касбий тайёрларлик, миллий мерос ва маданият вазирларининг қўшма котиви Сажад Аҳмед, Россия Федерацияси мада-

ният вазири Ольга Любимова, Тожикистон Республикаси маданият вазири Давлатзода Зулфия Давлат, Ўзбекистон Республикаси маданият вазири Озодбек Назарбеков ва ШҲТ Бош котиви Чжан Мин иштирок этди.

Йиғилишда маданият ва санъат соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди, ташкилотга аъзо давлатлар маданият вазирларининг аввалги учрашувлари доирасида эришилган келишувларни амалга ошириш юзасидан фикр алмашилди.



### АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН ЛОЙИҲАЛАР КЎРИЛДИ

Кеча сиёсий партияларнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияларининг йиғилиши бўлиб ўтди. Уларда жамият тараққиёти ва аҳоли фаровонлигини таъминлашга қаратилган бир қатор қонун лойиҳалари кўриб чиқилди.

### Фракцияларда

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси фракцияси йиғилишида "Йўл ҳаракатини ташкил этиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, бугунги кундаги йўлларнинг ҳолати ўсиб бораётган транспорт воситаларининг тирбандликларисиз ҳаракатланишини таъминлашга жавоб бермайди. Йўл ҳаракати иштирокчилари бўлган транспорт воситалари йўловчилари, пиёда ва велосипед ҳайдовчилар учун йўл ҳаракатини ташкил этиш тўғрисидаги йўлга қўйилмаган.

Бу каби камчилик ва муаммоларни бартараф этиш бўйича ҳуқуқий асосларни яратиш, йўл ҳаракатини тўғри ташкил этиш, шунингдек, йўл ҳаракати мониторингини ўтказиш, йўл ҳаракатини ташкил этиш самарадорлигини таъминлаш, тўхтаб туриш жойларига қўйилмаган талабларни белгилаш, йўл ҳаракатини ташкил этиш бўйича тadbирларни амалга оширишда жа-

моатчилик иштирокчи йўлга қўйиш, илмий тадқиқотлар олиб бориш ҳамда мазкур йўналишдаги бошқа тadbирларни амалга ошириш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатни ишлаб чиқиш зарурати туғилмоқда.

Мазкур қонун лойиҳаси шу мақсадда ишлаб чиқилган бўлиб, унинг асосий мақсади йўл ҳаракатини ташкил этиш жараёнидаги муносабатларни тартибга солишдан ва хавфсиз йўл ҳаракатини таъминлашдан иборат. Йиғилишда қонун лойиҳаси фракция аъзолари томонидан қизғин муҳокама қилинди, уни янада такомиллаштириш бўйича муҳим тақлифлар берилди.

Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси фракцияси йиғилишида депутатлар томонидан "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда кўриб чиқилди.



### Матбуот анжумани

Олий Мажлис Сенати томонидан Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш вазирлиги билан ҳамкорликда маҳалла раислари (оқсоқоллари) сайловига бағишланган матбуот анжумани ташкил этилди.

### ҲУҚАРОЛАР ЙИҒИНИЛАРИ РАИСЛАРИ САЙЛОВИ ЮҚОРИ САВИЯДА ЎТКАЗИЛМОҚДА

Қайд этилганидек, шу йил 16 март куни Олий Мажлис Сенати Кенгашининг "Ҳуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги қарори қабул қилинган ва унга кўра, май ойида ўтказилиши режалаштирилган сайловда 9 минг 349 нафар маҳалла раиси сайланиши белгиланган эди.

Сайловни демократик таъминлашга мос тарзда ўтказиш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашининг қарорлари билан 14 та кўмаклашувчи комиссия тузилди ҳамда тadbирлар ре-

жалари тасдиқланди. Комиссиялар таркибларига идора ва ташкилотларнинг 357 нафар раҳбари, депутатлар ва жамоатчилик вакиллари киритилди. Халқ депутатлари туман (шаҳар)лар Кенгашларининг қарорлари билан 207 та кўмаклашувчи комиссия тузилди. Ушбу комиссиялар таркибларига ҳам идора ва ташкилотларнинг 3 минг 952 нафар раҳбари, депутатлар ва жамоатчилик вакиллари киритилди.

Шу йилнинг 16 майдан эътиборан маҳалла раислари (оқсоқоли) сайлови бошланди. Эътиборлиси, маҳалла раислари сайлови юқори савияда ўтаётди.

### Сенатор ва ҳаёт

### МАМЛАКАТ РИВОЖИ ҚОНУН УСТУВОРИЛИГИ БИЛАН КАФОЛАТЛАНАДИ

Қорақалпоғистон Республикасининг Нукус туманида Олий Мажлис Сенатининг йиғирма бешинчи ялпи мажлисида маъқулланган қонунлар ва кўриб чиқилган бошқа масалалар муҳокамасига бағишланган тadbир бўлиб ўтди.

Унда Сенатнинг Оролбўйи минтақасини ривожлантириш масалалари ва экология қўмитаси раиси Борий Алихонов ялпи мажлисда маъқулланган қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳияти ва ислохотларнинг аниқ босқичидаги аҳамияти хусусида сўз юритди.

Таъкидланганидек, жамият тараққиёти ҳамда мамлакат ривожини қонун устуворлиги билан кафолатланади. Ҳар қандай глобал шaroитда инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, иқтисодий барқарорликни сақлаш, иқтисодий ҳимояни кучайтириш, ёш авлод таълим-тарбиясига янада жиддий эътибор қаратиш муҳим вазифалардан саналади.

Ўз навбатида, йиғилишда сув ва сувдан фойдаланиш билан боғлиқ ҳолатларни тартибга солувчи қонун ҳужжатларининг ҳаётга татбиқ эти-

лиши муносабати билан соҳани барқарор ривожлантириш ва хизматлар сифатини оширишга мўлжалланган таъсирчан ҳуқуқий база яратилаётганига ҳам ургу берилди.

Шунингдек, "Ўсимликлар карантини ва ҳимояси тўғрисидаги қонунчилик такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонунга асосан, минерал ўғитлар, ўсимликлар ҳимоясида фойдаланиладиган кимёвий воситаларнинг улгуржи ва чакана савдоси бўйича лицензиянинг амал қилиш муддати чекланган ҳолда берилиши бўйича киритилаётган ўзгартиш ҳаётга татбиқ этиш билан боғлиқ масалалар иштирокчилар диққат марказида бўлди.



### ҚУЁШ ТАФТИ, ОЙ ЛАТОФАТИ МУЖАССАМ ШАҲАР

Бухорода 21 — 25 май кунлари "Зардўзлик ва заргарлик" халқаро фестивали бўлиб ўтади.

Президентимизнинг тегишли қарорига мувофиқ илк бор ўтказилаётган анжуман халқ амалий санъатининг мазкур икки йўналишидаги энг яхши анъаналарни рағбатлантириш, ўзаро тажриба алмашиш, хунармандчилик мактабларини янада ривожлантириш, зардўзлик ва заргарликнинг ноёб намуналарини тарғиб қилиш, юртимиз сайёҳлик салоҳиятини ошириш нўқтани назаридан муҳим аҳамият касб этиши, шубҳасиз.

Қуйида ҳар икки йилда бир бор ўтказилиши кўзда тутилган халқаро фестивал, зардўзлик ва заргарлик тарихи, анъаналарнинг тоғмас давомчилири ҳақида сўз юритамиз.

### Тараддуд

#### Боқий ва бебаҳо санъат

Зарафшон воҳаси қадимдан нафақат ер ости бойлиқлари, балки маҳоратли ва зукко хунармандлари билан ҳам етти иқлимга машҳур бўлган. Зар илплардан тикилган миллий либослар, тиллаю кумушдан тайёрланган буюмлар нафақат маҳаллий харидорлар, балки хорижликларнинг ҳам эътиборини тортган.

1404 йилда испан элчиси Руй Гонсалес де Клавихо Амир Темур саройига ташриф буюриганда, Сохиқирон уни тўйга тақлиф этади. Табиатан синчков элчи кейин-

чалик ўз хотираларида теумурий шаҳзода Пирмухаммаднинг шундай тасвирлайди: "Подшоҳнинг невараси Пирмухаммад миллий удумга биноан жуда яхши кийинган эди. Устига кўк бекасам ятак, ятакнинг икки елкаси, кўкраги ва енглари биттадан зарҳал халқа тикилган. Бошидаги қалпоғи йирик марварид ва қимматбаҳо тошлар билан безатилган, қалпоқнинг тепасига қадалган лъъ ёниб турарди".

Шу далилнинг зўйиқ юртимизда зардўзлик заргарлик санъатининг илдири узоқ ўтмишга бориб тақалишини кўрсатади.

— XIX аср охири — XX аср бошларида Бухоро шаҳрида аҳолининг 25 фоизи хунар-

мандчилик билан шугулланган, — дейди Бухоро давлат университети профессори, тарих фанлари доктори Шодмон Ҳайитов. — Бундан 500 йил муқаддам махсус барпо этилган тимда заргарлар ҳам ишлаб, ҳам қимматбаҳо тақинчоқлар савдоси билан шугулланган. Улар тайёрлаган нодир буюмлар савдо қарвонлари орқали дунё бўйлаб тарқалган. Самарқанд, Хива, Қўқон каби шаҳарларда бўлгани каби қўҳна Бухорода ҳам бутун бошли хунармандлар маҳаллалари юзга келган. Манбаларда Бухоро ва Ғиждувон шаҳарларида Заргарлар (Заргарон) маҳаллалари бўлгани айтилади.



### ИЛМ-ФАН, ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ — ТАРАҚҚИЁТНИНГ ТАМАЛ ТОШИ

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, тараққиётнинг тамал тоши ҳам, мамлакатни қудратли, миллилатни буюк қиладиган куч ҳам илм-фан, таълим ва тарбиядир. Ўзбекистонда таълим тизимини комплекс ривожлантириш, малакали кадрлар тайёрлаш мақсадларига катта куч ва борилаётгани сабаби ҳам шунда. Бугунги модернизация жараёнида, илм-фан ва ўзгаришлар натижадорлиги халқ таълимига, янги авлод кадрларини етиштириш масаласига бориб тақалаётгани бор гап. Мамлакат келажаги, барча соҳа ва лойиҳалар муваффақияти билимми инсонларга боғлиқ. Шу боис охириги беш йилда таълим сифатини яхшилаш, ўқитувчиларнинг жамиятдаги мавқеини юксалтириш, билим ва тафаккурини юксалтириш бўйича кўп ишлар қилинди.

### Нўқтани назар

Ваҳоланки, беш йил олдин ҳам ўқув йили ибтидоси муаллимнинг ёзилмаган йиллик иш режасида пахта мавсумининг бошланишини белгилаб берарди. Қаҳратон кишга қадар давом этадиган бу мавсумни ўқитувчи ўз ўқувчилари билан бирга, "ёлланма теримчи" сифатида далада ўтказарди. Бирок шу билан унинг "ёлланмалигига" яқун ясалмасди. Қишда бир муддат ўз кас-

би билан шугулланишга имкон берилса-да, шунда ҳам бир дунё қоғозлардан ортиб, ўқувчилари учун вақт ажратолмай қоларди. Қўқам келиши билан яна дала юмушларига жалб қилинарди. Бундан ташқари, ободонлаштириш, қурилиш ишларида ҳам "дастёрлик" ўқитувчиларнинг зиммасида эди. Бу хизматлари учун эса арзимagan маош тўланарди.



Жонибек ҚЎЗИМУРОДОВ (Ў.А.) олган сурат.

### ФУҚАРОЛАР ЙИГИНЛАРИ РАИСЛАРИ САЙЛОВИ ЮҚОРИ САВИЯДА ЎТКАЗИЛМОҚДА

Маҳалла раислари лавозимига кўрсатилган 39 минг 661 нафар номзод билан суҳбатлар ўтказилиб, бошқарув кўникмалари ва обрўга эга бўлган 26 минг 910 нафари танлаб олинди. 18 май куни ҳолатига кўра, сайловлар 2 минг 899 та маҳаллада 7 минг 329 нафар тавсия этилган номзодлар ва 609 минг 906 нафар вакиллар иштирокидда ўтказилди.

Муҳими, энг муносиб

номзодлар сайланди. Янги раисларнинг 1 минг 603 нафари биринчи маротаба сайланган бўлса, 1 минг 281 нафари амалдаги раислардир.

Тадбирда ижтимоий тармоқларда тарқатилган сайловлар билан боғлиқ 80 дан ортиқ маълумотларга расмий муносабатлар билдирилди.

Маҳалла раислари лавозимига сайловлар давом этмоқда.

«Халқ сўзи».

## АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН ЛОЙИҲАЛАР КЎРИЛДИ



Таъкидланганидек, қонун лойиҳасининг амалиётга жорий этилиши юртимизда суд-экспертлик соҳасини ҳар томонлама такомиллаштиришга, соҳадаги муаммолар бўйича илмий тадқиқотлар олиб бориш ҳамда мамлакатда суд экспертизаси назарияси ва амалиётини ривожлантиришнинг асосий йўналишларини шакллантиришга, нодавлат суд-экспертиза ташкилотлари фаолиятини янада кўллаб-қувватлашга, суд-экспертлик соҳасини ўрта муддат-

да тизимли ислоҳ этишни аниқ чора-тадбирларини белгилашга хизмат қилади.

Йиғилишда, шунингдек, «Судлар фаолиятининг рақамлаштирилиши муносабати

билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда кўриб чиқилди.

Тақлиф этилаётган қонун лойиҳаси билан судлар фаолиятини рақамлаштиришни кенгайтириш орқали ишларни юретишда келиб чиққан муаммолар билан коррупциявий омилларнинг олди олинди, фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг одил судловга эришиш давра-хисаси оширилади, аҳолининг маб-

лағлари тежаллади, мамлакатнинг халқаро рейтинглардаги нуфузини юксалтиришга эришилади.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси аъзолари томонидан ҳам «Йўл ҳаракатини ташкил этиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси батафсил кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, йўл ҳаракатини ташкил этиш бўйича амалиётда қўлланб келинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг аксарияти анча олдин ишлаб чиқилган, улардаги нормалар замонавий талабларга мос келмаслигини кўрсатмоқда. Йўл ҳаракатини ташкил этиш бўйича фаолиятни амалга ошириш учун масъул тузилмалар институти шаклланимаган.

Соҳадаги муаммолар ечимини топиш мақсадида ишлаб чиқилган қонун лойиҳаси билан йўл ҳаракатини ташкил этиш жараёнидаги муносабатларни тартибга солиш, хавфсиз йўл ҳаракатини таъминлаш кўзда тутилмоқда. Бу борада йўл ҳаракати қатнашчиларининг ҳуқуқ

ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, йўл ҳаракатини ташкил этиш бўйича фаолиятни тизимли йўлга қўйиш асосий вазифа этиб белги-ланапти.

Лойиҳада йўл ҳаракатини ташкил этишнинг асосий принциплари, йўл ҳаракатини ташкил этиш соҳасидаги давлат бошқаруви, автомобиль йўли эгасининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, йўл ҳаракатини ташкил этишга қўйиладиган умумий талаблар, йўл ҳаракати мониторингини олиб бориш, йўл ҳаракатини ташкил этиш самардорлигини таъминлаш, тўхтаб туриш жойларига қўйиладиган талаблар, капитал қурилиш объектларида йўл ҳаракатини ташкил этиш тартиби, йўл ҳаракатини ташкил этиш бўйича тадбирларни амалга оширишда жамоатчилик иштироки каби бир қатор йўналишлар бўйича нормалар белгиламоқда.

Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси йиғилишида дастлаб фракция аъзолари томонидан «Халқ депутатлари маҳал-

лий Кенгашига сайлов жараёни такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгаришлар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда кўриб чиқилди.

Мазкур қонун лойиҳаси билан «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши депутатининг мақоми тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-ҳудудий тузилиши тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунлари ва Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодекси нормаларига тегишли ўзгаришлар киритилиб, юқорида келтирилган ҳолатларнинг қонуний асослари ва аниқ механизмлари белгиламоқда.

Яъни янги маъмурий-ҳудудий бирликлар ташкил этилганда ёки маъмурий-ҳудудий бирликлар чегаралари ўзгаришда депутат тегишли халқ депутатлари маҳаллий Кенгаши таркибига кириши ва ваколатлари мuddати давом эттирилиши белгиламоқда.

Фракциялар йиғилишларида барча қонун лойиҳалари атрофида кўриб чиқилиб, депутатлар томонидан кўллаб-қувватланди.

Раҳим ШЕРҚУЛОВ («Халқ сўзи»).

### МАМЛАКАТ РИВОЖИ ҚОНУН УСТУВОРЛИГИ БИЛАН КАФОЛАТЛАНАДИ

Тадбирда 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясида белгиланган устувор вазифалар моҳияти кенг очиб берилди. Хусусан, Тараққиёт стратегиясининг 7 та устувор йўналишидаги максadларга батафсил тўхталиб ўтилди.

Сўнгра Нукус шаҳар прокурори ҳамда шаҳар адлия бошқармаси бошлиғининг шу йил январь — апрель ойларидаги фаолияти юзасидан ҳисоботлари эшитилди.

Яқунда халқ депутатлари Нукус шаҳар Кенгаши депутатларига кўриб чиқилган масалалар мазмун-моҳиятини сайловчиларга етказиш бўйича аниқ топшириқлар берилди.

«Халқ сўзи».

### Давра суҳбати

## МАДАНИЙ ЁДГОРЛИКЛАРНИ АСРАЙЛИК

Олий Мажлис Сенати ҳузурдаги Ёшлар парламенти ва Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқшунослик институти ҳамкорлигида «Тошкентдаги археологик ёдгорликларни сақлаш ва реставрация қилиш масалалари» мавзусида давра суҳбати ташкил этилди.

Унда Сенатнинг Ёшлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси ўринбосари Д. Тожмухаммедова, Сенат ҳузурдаги Ёшлар парламенти аъзолари, тегишли ташкилотлар раҳбарлари ҳамда Ўзбекистон Фанлар академияси Археология миллий марказининг етакчи илмий ходимлари ва ОАВ вакиллари қатнашди.

Тадбирда «Тошкентнинг қадимги маданий ёдгорликлари ва унинг ёшлар тарбиясидаги ўрни» мавзусида маъруза тингланди.

Шундан сўнгра Ёшлар парламенти аъзолари томонидан бу борада амалга оширилган ишлар иштирокчиларга етказилди. Жумладан, мазкур тузилма ташаббуси билан юртимиздаги маданий ёдгорликларни асрашда ёшларнинг ролини ошириш, уларда маданий мерос объектларига нисбатан ҳурмат ва меҳр ҳиссини шакллантириш мақсадида «Ёдгорликларни асрайлик» шиори остида акцияга старт берилгани айтиб ўтилди.

Таъкидланганидек, Ёшлар парламент аъзолари томонидан Тошкент вилоятининг Қизилтоғ ҳамда пойтахтимиз-

даги Ҳазрати имом (Ҳасимом) мажмуасида ёшлар ўртасида атроф-муҳитни озода сақлаш ҳамда эътиборни кучайтириш, маданий мерос объектларини келажак авлодга ўз ҳолича етказиш масалалари бўйича тарғибот ишлари амалга оширилган.

Тошкент шаҳри ва вилоятнинг 50 га яқин ёшлари билан бу масалалар атрофида «Ёдгорликларни асрайлик» шиори остида ободонлаштириш ишлари ҳам амалга оширилган.

Ўз навбатида, ёшлар мазкур акцияни Қашқадарь, Самарқанд, Бухоро вилоятлари ва кейинроқ республиканинг бошқа ҳудудларида ҳам давом эттириш орқали минг нафарга яқин ёшларни мазкур ҳаракат доирасида бirlаштиришни мақсад қилган.

Давра суҳбатида Тошкент шаҳрида археологик обидаларни сақлаш ва реставрация қилиш жараёни ҳамда археологик изланишлар билан ёшларни таништириш, янги очилган қадимий ноёб меъморчилик намуналарига оид масалалар ҳам муҳокама қилинди.

«Халқ сўзи».

## ХОТИН-ҚИЗЛАР ИШТИРОКИСИЗ ИҚЛИМ ЎЗГАРИШИГА МОСЛАШИШ ВА ВАЗИЯТНИ ЮМШАТИШ МУМКИН ЭМАС

Глобал иқлим ўзгаришлари инсоният ҳаётининг барча жабҳасига ўз таъсирини кўрсатаётгани ҳамда унинг салбий оқибатларининг олдини олиш, янги турмуш шароитларига мослашиш бўйича зудлик билан чора-тадбирлар қўришни тақозо этаётгани ҳеч кимга сир эмас. Шундан келиб чиқиб, дунё бўйича турли сайёҳаракатлар амалга оширилмоқда, янги голялар илгари сурилмоқда.

### Фикр

Муваффақиятга эришиш мумкин эмас.

Мажбур вазиятдан келиб чиқиб, охириги йилларда юртимизда иқлим ўзгариши оқибатларини мослаштириш ва юмшатиш бўйича тизимли чора-тадбирлар қўриляпти. Жумладан, 2030 йилгача мўлжалланган атроф-муҳитни муҳофаза қилиш концепцияси, Ўзбекистоннинг «Яшил иқтисодиёт»га ўтиш стратегияси ҳамда Сув ҳўжалигини ривожлантириш концепцияси ва экологик вазиятни ҳар томонлама яхшилашга қаратилган бошқа муҳим ҳужжатлар қабул қилиниб, ҳаётга изчиллик билан таътиб этилмоқда.

Бу масалалар 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида ҳам ўзифодасини топган. Жумладан, унинг учта мақсади экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, шаҳар ва туманлар экологик ҳолатини яхшилаш ҳамда «Яшил макон» умуммиллий лойиҳасини амалга ошириш масалаларига бағишланган.

Ўзбекистонда Орол денгизи қуриши оқибатларини минималлаштиришга эътибор қаратишмоқ-

да. Ҳар йили Орол денгизидеги кум ва чанг буронлари Ўзбекистон ва Марказий Осиёнинг бошқа мамлакатларига 15 — 75 миллион тоннагача кум, чанг ва туз олиб келади. Натижада тупроқ эрозияси ва ҳаво ифлосланиши атроф-муҳитга, инсон саломатлиги ва фаровонлигига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Орол денгизи кум ва чанг буронлари Қорақалпоғистон Республикасига ҳар йили 44 миллион доллардан зиёд (минтақа ялпи ички маҳсулотининг 2 фоизи) микдорда иқтисодий зарар келтирмоқда. Келгуси 20 йил ичида бу муаммо ҳал этилмаса, минтақага 840 миллион доллардан ортиқ зарар келтириши мумкин.

Минтақа мамлакатларининг кўмаги билан 2021 йилнинг май ойида БМТ Бош Ассамблеяси Оролбўйи минтақасини экологик инновациялар ва технологиялар ҳудуди деб эълон қилиш тўғрисида мажлис резолюцияни қабул қилди. Президентини Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан қабул қилинган бу резолюция Марказий Осиё мамлакатлари сайёҳаракатларини бirlаштириш ҳамда экологик фаровонлик ва барқарор ривожланиш йўлидаги кўллаб-қўллаб муаммоларни ҳал этиш, шубҳасиз.

Шуларга мос ҳолда бу борада Ўзбекистон халқаро ташки-

лотлар билан ҳамкорлик қилаётгани, турли лойиҳа ва дастурлар ҳаётга таътиб этилаётгани, бугун улар ўзининг ижобий натижаларини бераётганини ҳам таъкидлаш зарур. Мисол учун, БМТД билан ҳамкорликда «Глобал аҳамиятга эга биохимиллаҳилик учун муҳим аҳамиятга эга асосий тоғли минтақаларда табиий ресурслардан барқарор фойдаланиш ва ўрмонларни бошқариш» лойиҳаси амалга оширилмоқда.

Париж битимининг иссиқхона газлари чиқиндиларини камайитириш бўйича асосий мақсадлардан бири ўрмонларни сақлаш ва кўпайтириш бўлиб, бу борада ҳам ижобий ишлар қилинмоқда. Хусусан, ҳар йили 200 миллион тулдан кўп дархат кўчатлари экиш чора-тадбирлари қўриляпти. Бу эса, нафақат мамлакатимиз, балки минтақа иқлим шароитини яхшилашда муҳим аҳамият касб этади.

Умуман, гендер тенгликни таъминлаш, хотин-қизларнинг фаоллигини ошириш орқали дунёнинг иқлим ўзгаришига мослашишни таъминлаш ва мажбур вазиятни юмшатиш мумкин, деб ҳисоблаймиз.

Малика ҚОДИРХОНОВА, Олий Мажлис Сенатининг Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси раиси.

## ШҲТ маданият вазирлари учрашуви

Томонлар пандемия шароитида аҳолини қўллаб-қувватлашда маданиятнинг роли ва унинг ижобий таъсирини таъкидлашди. Халқаро ўртасидаги ўзаро тушунишни мустаҳкамлаш, маданиятлар хилмаҳиллигини сақлаб қолиш ва ШҲТга аъзо давлатлар халқларининг маданияти, урф-одатлари ва аъналари ҳақидаги билимларни кенгайтириш мақсадида кино, театр, кутубхона ва музей соҳасида қўлма лойиҳаларни ишлаб чиқишдан нафақатдор эканликлари қайд этилди.

Бугун Шанхай ҳамкорлик ташкилоти турли тарихий-маданий ва миллий қадриятлари тегишли давлатлар муваффақиятли ҳамкорлигига яққол мисол бўла олади, — деди Ўзбекистон маданият вазирини Озодбек Назарбеков. — Ташкилот доирасида маданият ва санъат соҳасида қўлма тадбирларнинг ўтказилиши халқларининг ўртасидаги ўзаро тушунишни мустаҳкамлашга, маданиятлар хилмаҳиллигини сақлаш ҳамда дунё халқлари маданияти ва аъналари тўғри-

сидаги билимларнинг кенг тарқалишига хизмат қилади.

Мамлакатимиз вакиллари ташкилотга аъзо давлатларда ўтказиладиган тадбирларда мунтазам иштирок этиб келмоқда. Ўзбекистоннинг бундан кейин ҳам ташкилот давлатлари билан халқларимиз маданий ва маънавий меросини сақлаш ишида самарали ҳамкорликни давом эттиришга тайёриги билдирилди.

Йиғилишда қўлма маданий тадбирларни амалга ошириш мумимлиги ва кузатувчи давлатлар ҳамда ШҲТнинг маданият ва санъат соҳасида мулоқот бўйича шериклари билан икки томонлама ва кўп томонлама асосда ҳамкорлик механизмларини янада такомиллаштириш зарурлиги таъкидланди. Тошкентда бўлиб ўтган ШҲТга аъзо давлатлар туризм соҳаси раҳбарлари учрашувида Варанаси шаҳри (Ҳиндустон) номзодини «ШҲТ давлатларининг сайёҳлик ва маданий пойтахти» мақомига тасдиқлаш тўғрисида қабул қилинган қарор яқдиллик билан олқийлашди.

Шу билан бирга, дастур ижросида айрим камчиликлар сақланиб қолмоқда. Жумладан, ер уасткаси ажратилиши талаб этиладиган 7 та ер уасткаси ажратиш масаласи ҳал этилмаганилиги сабабли ишлар бошланмаган. Шунингдек, 90 та объектнинг лойиҳасида муҳим таътибларни ишлаб чиқиш, 301 та объектни тендер савдоларига қўйиш ишлари тугатилмаган.

Йиғилишда вакиллик органлари дастурлар доирасида ҳудудларда қурилиш ва ободонлаштириш ишларини яқунлашга етарлича эътибор қаратилмаганилиги ёки соҳага масъул идоралар томонидан вазиятни ўнглаш юзасидан аниқ ва қатъий чоралар қўрилмаётганилиги танқид остига олинди.

Иштирокчилар ШҲТга аъзо давлатлар халқларининг маданий-тарихий меросини асраб-авайлаш соҳасида амаллашув ва ҳамкорликни ривожлантириш мақсадида санъат фестиваллари, танловлар, форумлар, илмий анжуманлар ва бошқа турдаги маданий тадбирларни ўтказишга кўмаклашишга, таълим, маданият ва санъат соҳасида қадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш бўйича ҳамкорликни йўлга қўйишга тайёр эканликларини қайд этилди.

Йиғилишда ШҲТга аъзо давлатлар ваколатли органлари ўртасида музей иши соҳасида ҳамкорлик тўғрисида меморандум лойиҳаси маъқулланди.

Абдували СОЙИБНАЗАРОВ («Халқ сўзи»).

ШҲТга аъзо давлатлар маданият вазирларининг йиғилиши йиғилиши 2023 йилда Хиндустон Республикасида ўтказиш бўйича келишувга эришилди. Учрашувнинг аниқ санаси ва жойи ШҲТ Котибияти орқали дипломатик каналлар орқали келишилди.

Қайд этилганидек, дастурлар ижроси бўйича мутасаддилар фаолиятини самарали мувофиқлаштириб бориш мақсадида Республика штаби раҳбари бошчилигидаги гуруҳ ҳар бир ҳудудда ҳақиқий ҳолатни ўрганиб, вазифасини лозим даражада бажармаган 60 нафардан ортиқ маъсуллар интeртизмий жавабгарликка тортилган. Аниқланган муаммолар тегишли ташкилот ва идоралар иштирокида муҳокама қилиниб, ўз вақтида уларни бартараф этиш бўйича зарурий чоралар қўрилмади.

Депутатлар «Обод қишлоқ», «Обод маҳалла» ва бошқа дастурлар ижроси бўйича амалга оширилаётган ишларни жойларда ўз сайловчилари билан учрашувларида тегишли ташкилотлар билан тизимли назоратини олиб боришни алоҳида қайд этилди.

Кўп тартибдаги масала юзасидан қўмиталарнинг тегишли қарори қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

## «ОБОД ҚИШЛОҚ» ВА «ОБОД МАҲАЛЛА» ДАСТУРЛАРИ ИЖРОСИ — ПАРЛАМЕНТ НАЗОРАТИДА

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Бюджет ва иқтисодий ислохотлар ҳамда Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмиталари ҳамкорлигида тадбир ўтказилди.

Видеоконференцалоқа шаклида уюштирилган тадбирда «Обод қишлоқ» ва «Обод маҳалла» дастурлари ва бошқа давлат дастурлари доирасида Бош прокуратура томонидан йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация тармоқларини, ижтимоий соҳа ва бошқа инфратузилма объектларини қуриш-таъмирлаш ишларини молиялаштириш учун ажратилган маблағлардан мақсадли ҳамда самарали фойдаланилиши юзасидан ўтказилган ўрганишлар муҳокама қилинди.

### Ўрганиш

Таъкидланганидек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 10 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури ҳамда бошқа давлат дастурлари ижроси устидан назоратни кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига асосан, давлат дастурлари ижро этилишини назорат-

қилиш ва мувофиқлаштириш борасида Бош прокуратура томонидан республика ва ҳудудий штаблар, ишчи гуруҳларнинг фаолияти тўлиқ йўлга қўйилиб, давлат дастурларига киритилган ҳар бир объект назоратга олинди.

Шунингдек, ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури доирасида амалга оширилаётган тадбирлар учун бюджетдан 23,7 трлн. сўм ажратиш кўзда тутилган. Тасдиқланган манзилли рўйхатларга асосан, 3 минг 414 та объектда қурилиш-таъмирлаш иш-

ларини олиб бориш, уларнинг 2 минг 129 тасини жорий йилда фойдаланишга топшириш режалаштирилган. Ҳозирги кунга қадар янгидан бошланувчи объектларнинг 1 минг 440 таси учун лойиҳасмета ҳужжатларини ишлаб чиқиш яқунлашиб, уларнинг 1 минг 354 таси бўйича давлат, 890 таси бўйича комплекс экспертиза ҳулосалари олинган.

Президентининг тегишли қарорига асосан «Обод қишлоқ» ва «Обод маҳалла» дастурлари ижроси бўйича жорий йилда 413 та маҳалла ва қишлоқда ободонлаштириш ишлари олиб борилиши, 9 минг 13 та объектда қурилиш-таъмирлаш ва бошқа турдаги ишларни амалга ошириш белгиланган. Мазкур тадбирлар учун республика бюджетидан ажратилиши белгиланган 3 трлн. сўм маблағнинг 2,3 трлн. сўми ёки 70 фоизи ҳудудлардаги тегишли жамағатларга йўналтирилган.

Халқ депутатлари ўтказилган ўрганишлар натижасида 1 минг 249 та ҳолатда лойиҳа-смета ҳужжатларига ортиқча қи-

ритилган 942 млрд. сўм ёки лойиҳа қўйимига нисбатан 12 фоиз маблаг маълумлаштирилиши таъминланган бўлса, шундан 346 млрд. сўми 507 та объект учун дастур доирасида 2022 йил учун ажратилган лимитга нисбатан иқтисод қилинганлигини ижобий баҳолашди.

Шу билан бирга, дастур ижросида айрим камчиликлар сақланиб қолмоқда. Жумладан, ер уасткаси ажратилиши талаб этиладиган 7 та ер уасткаси ажратиш масаласи ҳал этилмаганилиги сабабли ишлар бошланмаган. Шунингдек, 90 та объектнинг лойиҳасида муҳим таътибларни ишлаб чиқиш, 301 та объектни тендер савдоларига қўйиш ишлари тугатилмаган.

Йиғилишда вакиллик органлари дастурлар доирасида ҳудудларда қурилиш ва ободонлаштириш ишларини яқунлашга етарлича эътибор қаратилмаганилиги ёки соҳага масъул идоралар томонидан вазиятни ўнглаш юзасидан аниқ ва қатъий чоралар қўрилмаётганилиги танқид остига олинди.

## Муносабат МАҲСУЛОТЛАРНИ БИРЖА САВДОЛАРИГА ЧИҚАРИШ ТАРТИБИ СОДДАЛАШАДИ

Давлатимиз раҳбари раислигида 17 май куни товар-хом ашё биржасида савдолари ва унда маҳаллий корхоналар иштирокчини кенгайтириш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Таъкидланганидек, биржа эркин рақобатни рағбатлантириб, бозор иқтисодиёти ривожланишида савдо муносабатларининг шаффоқлигини таъминлайди, тадбиркорлар учун кенг имкониятлар яратди ва албатта, «яширин иқтисодиёт» ҳамда коррупция ҳолатларини кескин камайитиради.

Соҳани ривожлантириш мақсадида ички бозорда юқори ликвидли ва монопол маҳсулотларнинг нархларини сунъий оширишга, танқислик ва сохта талабини вужудга келтиришга йўл қўймаслик, тақсимлаш тизими элементларини тугатиш ҳамда биржа савдоларини янада фаоллаштириш мақсадида 2021 йил 17 март куни Президентимизнинг қарори қабул қилинган.

Мазкур ҳужжат ижросини таъминлаш доирасида биржа савдолари ва электрон тижорат соҳаларида бир қатор янги лойиҳалар ишга туширилиб, очик биржа савдолари орқали сотиладиган товарларнинг рўйхати кенгайтирилди. Барча ҳўжалик юритувчи субъектлар, жумладан, тадбиркорларнинг товар ресурсларидан фойдаланиш имконияти ошди, соғлом рақобат кучайди ва реал бозор шароитларини ҳисобга олган ҳолда, товарларга нарх белгилашнинг замонавий механизми жорий этилди.

Соҳадаги ислохотлар натижасида сўнгги уч йилда мамлакатимизда биржа савдо айланмаси 2 баравар ўсган ва савдолар қиймати 90 триллион сўмга етган, биржа орқали сотилган товарлар сони эса 3 марта кўпайган.

Бугун нафақат маҳаллий ишлаб чиқрувчилар, балки 1 минг 200 дан ортиқ хорижий компаниялар юртимиз биржасида катта ҳажмда маҳсулотларини сотишни бошлади. Авваллари савдо келишувларида «ўртақаш — сохта тадбиркор»ларнинг аралашуви салмоқли бўлганлиги барчамизга маълум. Эндиликда, йирик корхоналар биржадаги очик-ошқора савдолар ҳисобига 2021 йилда бу корхоналар 8 триллион сўм қўшимча даромад қилган.

Биржа савдоларида маҳсулотлар учун ҳақиқий бозор нархларининг шаклланиши натижасида шу йил январь — март ойлари ўзида сотувчи корхоналар қиймати 3 триллион сўмлик қўшимча даромад олинган ва бу 2021 йилнинг ушбу давридагига нисбатан 2,8 маротабага кўп. Мазкур маблағлар сотувчи корхоналарнинг ишла

Халқаро форум

МАРКАЗИЙ ОСИЁ ЁШЛАРИНИ БИРЛАШТИРГАН АНЖУМАН

Тошкент вилоятидаги "ASTRUM IT академияси" мезонлик қилган Марказий Осие давлатлари ёшлари форуми минтақа ҳаётида муҳим босқич бўлиши таъкидланмоқда. Ушбу халқаро анжуман Ҳосен Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан илгари сурилганди.

Бугун халқаро жамоатчилик эътиборида бошланган форум Марказий Осие давлатларидан келган иктидорли ёшлар вакилларини бир жойга жамлади. Форум ўсиб келаётган ёш авлоднинг порлоқ келажаги йўлида режалаштирилган ижтимоий лойиҳа ва дастурларни муваффақиятли амалга ошириш, интеллектуал салоҳиятга эга ёшларни эзгулик

йўлида бирлаштириш, илм-фанни ривожлантириш, ахборот технологиялари ютуқларидан самарали фойдаланиш борасида катта аҳамиятга эга. Қолаверса, Марказий Осие давлатлари ёшлари ўртасида ўзаро ишонч ва дўстона муносабатларни шакллантириш, ташаббускор йигит-қизларни қўллаб-қувватлаш, улар илгари сураётган ижтимоий

лойиҳаларни муваффақиятли амалга оширишда ҳам муҳим қадам бўлди. Халқаро форумнинг биринчи иш куни қизғин баҳс-мунозаралар, тажриба ва ташаббусларга бой бўлди. Икки томонлама уршувлар ва меморандум имзоланган маросимлари ўтказилди. Марказий Осие ёшлар боғининг тантанали очилиш тадбири ташкил этилди. 21 — 23 май кунлари форум доирасида Андижон вилоятида Ўзбекистон — Қирғизистон ёшлар форуми, Фарғона вилоятида эса Ўзбекистон — Тожикистон ёшлар форуми ўтказилиши режалаштирилмоқда.

Муаллимнинг обрўси, шайни, қадри ҳаминқадар баҳолангани тўғрисида, аксарият ўқитувчилар ишени ташлаб бошқа соҳага ўтиб кетди. Тизимда эркак педагоглар деярли қолмади. Таълим сифати ва самарадорлиги, ўқитувчиларнинг сифат таркиби ҳам шунга мутаносиб эди.

10 мингдан зиёд мактаблар ислоҳ қилинади

Энди мамлакатимиз янги даврга қадам қўйди. Ўқитувчи барча юмушлардан озод этилди. Унинг олдида фақат ёш авлодни етук ва комил инсон қилиб тарбиялаш вазифаси қўйилган. Ўзбекистоннинг 2022 — 2026 йилларга мулжалланган Тараққиёт стратегиясида туртинчи устувор йўналиш айнан таълим соҳасини, инсон капиталини ривожлантиришга қаратилган. Мақсад ўзи йўлига. Аммо замонавий ўқитиш тартиб-таомилларини жорий этмас эканмиз, рақобат қу-

беш йилда мактабларда илғор халқаро тажрибалар асосида ишлаб чиқилган миллий ўқув дастури тўлақонли жорий этилади. Маҳаллий ва хорижий муаллимлар томонидан яратилган замонавий дарсликлар амалиётга киритилиб, жамиятда ўқитувчи касби нуфузи оширилади. Педагоглар учун қулай ижтимоий муҳит ва шароитлар яратилади. Мактаб таълимига замонавий дарсликларни амалиётга киритиш, жамиятда ўқитувчининг нуфузини ошириш, касбий ривожланишга талабчанликни қучайтириш, алоҳида таълимга эҳтиёжи бўлган болалар учун инклюзив таълим жараёнини жадаллаштириш, замонавий моделлар бўйича мактаблар куриш ва таъмирлаш каби қатор йўналишлар ҳам қамраб олинди. Шунингдек, ўқитувчиларнинг ёшларга таълим ва тарбия беришдаги масъулияти, доимий касбий ривожланишдаги талабчанлиги ҳам ошириб борилади. Бунда умумий ўрта таълим муассасалари учун миллий кадрлар захирасини шакллантириш, илғор мактаб директори ва



Ҳосен ПАЙДОНОВ олгон сурат.

ИЛМ-ФАН, ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ — ТАРАҚҚИЁТНИНГ ТАМАЛ ТОШИ



чайиб бораётган хозирги даврда ортда қолиб кетамиз. Шундай экан, Президентимиз ҳам сифатли ва замонавий мактабларни барпо этиш, ҳам талабга жавоб берадиган ўқитиш методикасини яратиш вазифасини қўймоқда. Чунки мактаб таълими тизимидаги камчилик ва муаммолар ҳали ҳам бор. Бугунги кунда республика бўйича 1 минг 695 та мактаб мукамал таъмирга муҳтож, ханузгача 179 та пахсадан қурилган мактаб мавжуд, 3 мингдан зиёд мактаб учун қўшимча ўқув бинолари зарур. Бу ҳақда давлатимиз раҳбарининг шу йил 28 январда ўтказган йиғилишида баён қилинди.

Бундан ташқари, янги массивлар барпо этилиши, қишлоқ инфратузилмаси кенгайтиши ва аҳоли ўсиши натижасида яна 270 та мактаб қуришга эҳтиёж бор. Ҳозирги кунда 2,3 мингта мактабнинг бирорта ўқувчиси ўтган йили олийгоҳга кирмаган. Мактаб кутубхоналаридаги китоб фонди йиллар давомида янгиланмаган. Миллий мусиқа анжуманлари атиги 615 та мактабда мавжуд. Хуллас, республика бўйича 10 минг 130 та мактабни ислоҳ қилиш кўзда тутилган.

Фармон ва қарорнинг мақсади...

Беш йиллик янги Тараққиёт стратегиясида Ўзбекистон ўз олдига ялпи ички маҳсулот ва экспортни қарра-қарра ошириш, саноатни ва ахборот технологияларини кескин ривожлантириш, камбағалликни қисқартириш бўйича улкан марралар қўйган. Ушбу вазифаларни мактабда замонавий билимларни эгаллаган, рақобатбардод ёшлар урдалиши керак. Кўп нарса мактаб директорлари ва муаллимларга ҳам боғлиқ. Улар қишлоқ ва шаҳарларда таълим-тарбия, маданият ва маънавият тарқатидиган фидойи кишилардир.

“Мактаб таълими соҳасидаги ислохотлар нафақат тегишли вазирлик ва идоралар, тармоқ раҳбарлари, балки кенг жамоатчиликнинг вазифаси бўлиши керак. Биз, жамоатчилик, ота-оналар таълим-тарбия ва жамиятдаги бошқа муаммолар ҳақида баралла фикр билдиришимиз, уларни ҳал этишга қўмаклашимиз керак.”

си орқали амалга оширилиши ҳамда ушбу соҳада электрон давлат хизматлари қўланиши кенгайтириш белгилаб берилди. Фармонда белгиланган муҳим вазифалардан яна бири — бу педагог кадрларни салоҳиятидан келиб чиққан ҳолда рағбатлантириб боришдир. Ушбу тизим ўзи касбий фидойисини бўлган минглаб педагогларда касбига бўлган меҳр ва масъулиятнинг ошишига хизмат қилади. Эътиборга молик янгиликлардан бири, бу, республика таълим тизимида илк марта ўқувчиларнинг фанларни танлашига рухсат берилмоқда. Миллий ўқув дастури асосида мактабларда дарсликлар, машқ дафтарлари ҳамда педагоглар учун ўқув қўлланмалари яратилади. Муаллимнинг қўлида тайёр ўқувчи китоби, интернет, методик қўлланма бўлади.

Каскиси, Ривожлантириш дастури ўқувчиларнинг билим ва кўникмаларини шакллантириш, уларни миллий ҳамда умуминсоний қадриятларга содиқлик руҳида тарбиялаш, ўқитувчининг сифат таркибини ошириш, дарсликлар ва ўқув-методик мажмуаларни замон талаблари асосида такомиллаштириш, мактабларнинг моддий-техника базасини яхшилаш ҳамда янги ўқувчи ўринларини яратишда алоҳида ўрин тутди.

Финляндия тажрибаси нега афзал? Президентимиз бежиз Финляндия ёки хорижий тажриба ҳақида гап очгани йўқ. Масалан, Финляндияда ўқитувчиларнинг ота-оналардан ягона сўрови — “Фарзандингиз билан отарчилик вақт ўтказдингизми?” Агар жавоб йўқ бўлса, сизни мактаб психологи билан унваларга тақлим қилишди. Форма деган нарса умуман йўқ, ким қандай хоҳласа, шундай қийим кияди. Партада ўтириш умуман мажбурий эмас, бола хоҳласа, гиламда ўтириб ҳам дарс олиши мумкин. Асосийси болага

Давлатимиз раҳбари мактаб таълими бўйича илғор давлатлар тажрибасини ўрганиш, хусусан, Финляндия таълим тизимининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда муваффақиятини ўрганиш, таълим сифатини ошириш, мактабларда ўқитиш мазмунини яққол ифода қилганда яхлит ва мукамал дастур ишлаб чиқилганди. 2022 — 2026 йилларда халқ таълимининг ривожлантириш бўйича миллий дастур (Ривожлантириш дастури) доирасида келгуси

мақсад аниқ; таълим тизимини оёққа қўйиш. Бусиз ислохотлар амалга ошмайди. Бунга бугун халқ, жамият масъул. Зеро, нажотимиз мактабда, нажотимиз таълимда, нажотимиз билимда. Бунга давлатимиз раҳбари ҳар бир қишлоқда такор-такор таъкидлапти. Бизнинг 35 миллиондан зиёд боллимиз — халқимиз бор. Ер ости ва ер усти бойликларимизнинг ҳисоби йўқ. Бизчилик табиий ва инсоний ресурсларга эга мамлакатлар кам. Лекин ана шу бойликлардан тўғри фойдаланиш, уларни қўлайитиш, ҳаётимизни янада фаровонлаштириш учун ақл, куч, иштириш керак бўлади. Иккинчи жаҳон урушидан қашшоқлик гирдобига ботиб чиққан Европа ва Осиёнинг бугунги қудратли мамлакатлари ҳам табиий бойликлари эмас, ўз халқининг кучи, билими ва салоҳияти тўғрисида барча машаққатларни енгиб, юксак марраларга эришди. Биз ҳам бунга қодирмиз. Фақат ўзимизни, ҳаёт тартибимизни, қарашларимизни ўзгартирсак бас. Навбатдаги Ренессансга бизни фақат билим ва меҳнат етаклаб боради.

қулай бўлса, бўлди. Ўқитувчилик бу жамиятда нуфузи касблардан бири саналади. Ёшларнинг жуда кўпчилиги ушбу касбини эгаллашга интилади. Таълимга тикланган маблағлар Финляндияни нуқуллай иқлимга қарамадан, ночор давлатдан билимга асосланган иқтисодиётга эга, яшаш даражаси юқори бўлган мамлакатлардан бирига айланган. Ушбу мамлакат таълим сифатини баҳолаш бўйича тадқиқотлардаги барча йўналишларда саводхонлик кўрсаткичлари бўйича энг яхши натижаларга эришиб келмоқда. Маълумот ўрнида, Финляндиянинг асосий таълим тизимидаги қўшимча (1998 йил) таълимнинг учта асосий мақсади белгилаб берилган: (1) ўқувчиларга ҳаётда зарур бўлган билим ва кўникмаларни бериш, (2) жамиятда ривожланиш ва тенгликни тарғиб қилиш ҳамда (3) бутун мамлакат бўйлаб таълим соҳасида тенгликни таъминлаш.

Мақтабларда ҳафтасига 5-кунлик ўқиш жорий этилган. Барча мактаблар бир хил мавқега эга, болалар қобилиятига қўра турли синф ёки иккитасидаги қўра таълим муассасаларига ажратиб ўқитилмади. Фин мактабларида бошланғич таълим 6 йил давом этади ва 3-синфга болаларга баҳо қўйилмайди, ўқитувчилар томонидан уйга вазифа деярли берилмайди. 2017 йилдан аксарият мактабларда “руқадан воз кечилган” ва дарс жараёнида тўлиқ компьютер ва планшетлардан фойдаланилади. Фин таълим тизимида кадрлар тайёрлаш бўйича “боши берк нуқта” мавжуд эмас.

Бундан ташқари, муниципалитетлар ва мактаблар ҳудуддаги аҳоли учун муайян кўникмаларнинг заруриятидан келиб чиққан ҳолда, ўқув дастурларига тегишли ўзгартиришлар киритиши ҳам мумкин. Шу билан бирга, мактабларда ўқув жараёнини ташкил этишда ўқувчиларнинг эҳтиёжлари, имкониятлари ва кучли томонлари ҳам ҳисобга олинади. Ҳар бир ўқув материални ўқув жараёнига татбиқ этишда педагогик асосга эга эканлиги алоҳида эътибор қаратилади. Шунингдек, ўқув материалларини тайёрлашда мамлакатдаги умуминсоний қадриятлар, таълим муҳити ва ўқитиш бўйича маслаҳатлар, ўқитувчилар учун алоҳида материалларнинг мавжудлиги ҳисобга олинади. Ўқув дастурларининг таълим жараёнига татбиқ этилишида аъёнаний дарсликлар билан бир қаторда, инновацион технологиялар ёрдамида ташкил этилган электрон қўлланмалар ҳамда турли форматдаги материаллардан ҳам кенг фойдаланилади.

Финляндияда электрон баҳолаш тизими мавжуд бўлиб, улар орқали ўқувчиларнинг ота-оналар ўз фарзандларининг ўзлаштиришини кузатиб бориши мумкин. Таълим тизими индивидуал ёндашув, ишонч, ихтиёрлик ва мустақиллик каби принципларга асосланган. Мамлакатда ўқитувчи касбининг обрў-эътиборини мустақамлашга катта эътибор қаратилади. Финляндияда ўқитувчилар болаларнинг махсус кўникмалари ва қизиқтирилган ривожлантириш учун уларни доим қўллаб-қувватлашади. Ўқитувчилар одатда кунига 4 соатдан машғулот ўтказиши ва ҳар ҳафта уларга касбий ривожланиш учун 2 соат вақт ажратилади. Бу эса, ўз навбатида, муаллимларга тушадиган стрессини камайтиради. Финляндия миллий ўқув дастури кенг қўллана бўлиб, ўқитувчиларга ўз услуби ва фикрларини синфда ишлатишига имкон беради. Бу Финляндия таълим тизимининг ўз ўқитувчиларига бўлган ишончига асосланади.

Фин таълим тизими дунёдаги қўллаб-қувватланган таълимнинг эътиборини ўзига жалб қилмоқда. Хўш, бундай натижага финлар қандай қилиб эришмоқда? Уларнинг таълим тизимини ўрганишлар шуни кўрсатмоқдаки, Финляндия мактабларининг ўқув дастурлари болаларга берилганда ҳар қандай билимларни амалиётга қандай ва қандай қўланиши ўргатиш, уларни ижодий ва эркин фикрлашга ундашга йўналтирилган. Иккинчи муҳим томони, Финляндия фан дастурларида ўзаро мутаносиб бўлган яхши таъминланган. Масалан, бирон синфда географиядан Осие мамлакатлари ўтиса, ўша ҳафтада биологиядан ҳам Осиеда ўсувчи ўсимликлар, тарихдан ҳам Осие халқлари тарихи, математикадан ҳам Осиеда оид маълумотлардан иборат мисоллар берилди. Яна бир муҳим жиҳат — ўқитувчиларнинг юқори салоҳиятга эга эканлиги фин таълим муассасаларининг муваффақияти эришишидаги наватдаги муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Ўқитувчилик қилиш учун қандам магистр даражасига эга бўлиш керак. Финляндияда энг яхши мактаб, бу тураржойда аҳоли учун муайян кўникмаларнинг заруриятидан келиб чиққан ҳолда, ўқув дастурларига тегишли ўзгартиришлар киритиши ҳам мумкин. Шу билан бирга, мактабларда ўқув жараёнини ташкил этишда ўқувчиларнинг эҳтиёжлари, имкониятлари ва кучли томонлари ҳам ҳисобга олинади.

Сўз — иштирокчиларга

Ислом ОХУНОВ, Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги халқаро алоқаларни ривожлантириш бўлими бошлиғи:

— Ушбу форумда Марказий Осие минтақасидаги ёшлар сийёсатига масъул давлат органлари ва жамоат ташкилотлари раҳбарлари, халқаро ва республика фан олимпадалар голиблари, халқаро даражадаги ёш шахматчилар, гроссмейстерлар, шунингдек, ахборот технологиялари соҳасининг етук билимдонлари қатнашмоқда. Анжуманда минтақа давлатларида ёшлар сийёсати борасида

Ўзбекистон тажрибасидан унумли фойдаланиш лозимлиги таъкидланди. Айниқса, ахборот технологиялари, атроф-муҳит муҳофазаси, спортни ривожлантириш, соғлом турмуш тарзини омаллаштириш борасидаги тажрибалар эътироф этилди. Шу боис илм-фан ва ахборот технологиялари йўналишлари бўйича минтақада ёшлар сийёсати соҳасини тараққий эттиришга қаратилган ижтимоий лойиҳалар ишлаб чиқилиб, шахсий ривожланиш бўйича тренинглр, навқирон авлод салоҳиятини намоийш этувчи “Заковат” интеллектуал уйини ҳамда Марказий Осие ёш шахматчилар турнири каби мусобақалар ўтказилди.

Зубайда ХЎЖАМОВА, Ёш тадбиркор (Туркменистон):

— Айтиш мумкинки, форумда минтақа ёшларнинг иктидор ва салоҳияти тўла-ўқис намоён этилди. Хусусан, IT технологияларини пухта ўзлаштириш, жамиятда ундан унумли фойдаланиш борасидаги жўяли ғоя ва тақлифлар ишлаб чиқилди. Ёшларни қўллаб-қувватловчи ташкилотлар билан ҳамкорликни изчи йўлга қўйиш, ахборот технологиялари борасидаги тажрибаларни ўрганиш, йигит-қизлар ўртасида тадбиркорлик ва иш-

билармонлик муҳитини яхшилаш, уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш борасидаги лойиҳалар катта таассурот қолдирди. Туркменистонда ҳам ёшларни хусусий тадбиркорликка жалб этиш, уларни ҳар томонлама рағбатлантириш борасида кенг қўламли ишлар олиб боришмоқда. Бизнинг оилавий корхонамиз автомобилларга техник хизмат кўрсатиш соҳасида фаолият олиб боради. Бу ерда олган маълумотларим, ўрганган тажрибаларим оилавий бизнесимизни ривожлантиришда катта аҳамият касб этади.

Святослав ЛЮХИН, жамоатчилик биларшмаси вакили (Қирғизистон):

— Форумда қирғизистонлик талаба-ёшларнинг “Яшил иқтисодиёт” жамоатчилиги биларшмаси номидан иштирок этмоқда. Минтақада экологик муаммолар вужудга келиб, иқтисодий бурчлардан хавфи тўғрисидаги бир пайтда бундай анжуман ўтказилишининг аҳамияти юксак. Бу ердаги дўстлашувлар, илгари сурилган ижтимоий лойиҳалар, соҳалар йўналишидаги тажрибалар ярли келажакда минтақа ҳаётида муҳим бўлишига аминман. Айниқса, атроф-муҳит муҳофазаси, уни келажак авлодга зиён-заҳиматсиз етказиш голяри бар-

ча иштирокчида катта таассурот қолдирди. Ўзбекистоннинг “Яшил макон” лойиҳаси дастлабки тажрибалари бизни маънавий. Иқлим мувозанати ўзгариб, дарё ва қўла-ривизмидаги сув захиралари камийиб бораётган, қишлоқ хўжалик экин майдонларини сўғиртиш жараёнида танқислик яққол сезилаётган бугунги кунда бундай ташаббус ва тажриба нафақат Ўзбекистон, балки минтақа давлатлари учун ҳам катта аҳамиятга эга. Юзага келадиган табиий офатлар, қурғоқчилик, иқлимдаги кескин ўзгаришлар “Яшил макон” каби лойиҳаларнинг муваффақияти билан бартарарқ этилиши мумкин.

«МАЪНАВИЯТ ФЕСТИВАЛИ» УНУТИЛМАС ВОҚЕАЛАРГА БОЙ БЎЛАДИ

Пойтахтимизда Республика Маънавият ва маърифат маркази “Маърифат” тарғиботчилар жамияти томонидан республикамиз бўйлаб “Маънавият фестивали”ни юқори савияда ташкил этиш ва ўтказиш масалаларига бағишланган матбуот анжумани уюштирилди.

Тадбир




Унда маънавият фидойилари — зиёлилар, олимлар, санъат арбоблари, кино намоёндалари ҳамда ҳамкор вазирлик ва идоралардан вакиллар, ОАВ ходимлари иштирок этиди. Таъкидланганидек, жорий йил Давлат дастури ижросига мувофиқ “Янги Ўзбекистон — маърифатли жамият” шiori остида ўтказилган ушбу фестиваль доирасида 14 та ҳудудда 18 та ижтимоий лойиҳа доирасида тадбирларни амалга ошириш, илм-фан, маданият, санъат, адабиёт ва бадиий ижод каби соҳа вакилларидан иборат 500 нафар “Маърифат” тарғиботчилар жамияти аъзолари ширин жалб этиш, бу орқали 3 миллионга яқин аҳолини қамраб олиш режалаштирилмоқда. Шунингдек, “Учинчи Ренессанс — маърифатли жамият сари!” мавзусида конференция, аҳоли, айниқса, ёшлар орасида китобхонликни кенг тарғиб қилишга қаратилган “Маърифат улашиб”, “Қадрдон мактабимиз китоб соғдга қилман” акциялари, китоб кўргазмалари, ёзувчи ва шоирлар билан

ижодий учрашувлар, “Миллий қадриятлар” ҳафталиги, турли соҳаларда катта ютуқларга эришган, халқаро фан олимпиадалари ва спорт мусобақаларида юқори ўринларни эгаллаган ёшлар ва уларнинг ота-оналари иштирокчида “Менинг фарзандим — Ўзбекистон фахри!” шiori остида республика анжумани ҳам бўлиб ўтади. Ўзбек мусиқа санъатининг кўп асрлик ижро йўллари, қадимий тарихи, ноёб санъатини кенг тарғиб қилиш, аҳоли кайфиятини кўтаришга қаратилган “Миллий қўшиқлар ва маком”, “Ватан мадҳи”, “Бахшилар тараққий қилиш” номли концерт дастурлари, маҳалларда соғлом ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш, оилавий ақриларнинг олдидан олиш, шунингдек, ёшлар тарбиясига масъулиятсиз қараш, эрта никоҳ каби иллатларга барҳам беришни мақсад қилган “Оила — маънавият кўрғони” номли психологик суҳбатлар, соҳа мутахассислари иштирокчида амалий машғулотлар ташкил этилади. Шу билан бирга, фести-

валь доирасида “Зиёлилар форуми” ўтказилиши ҳам белгиланган бўлиб, бу орқали жамиятда зулуксиз маънавий-маърифий тарбия ва тарғибот-ташвиқот ишларини ташкил этишнинг креатив ва инновацион усуллари ҳаётига татбиқ этиш, миллий маънавиятнинг ривожлантириш, жойлардаги тарғиботчиларнинг жамиятдаги ўрни ва нуфузини, ғоявий-тарғибот ишларини замон талабларига мос равишда амалга оширишга эришиш режалаштирилган. Қолаверса, Ўзбекистон Қаҳрамонлари иштирокчида “Ўзбекистон Қаҳрамонлари” ҳамда “Маънавият. Асосий тушунчалар лугати” китобларининг тақдимоти ҳам ташкил этилади. Йиллар давомида шаклланган халқимизнинг миллий таълим-тарбия услублари, ўзбекона оила моделига асосланган болаларнинг маънавий дунёсини бойитиш, одоб-ахлоқ қоидаларига амал қилишни ўргатишга қаратилган “Зуқо болажон” номли фотогалерея ҳудудлардаги мактабгача таълим ташкилотларида кенг тарғиб этилиши ва тақдимотлари ўтказилиши, ушбу муассасаларнинг фотогалерея ақс эттирилиши суратлар билан беэаши ишлари амалга оширилади. Фестиваль доирасида болаларнинг унун амалга ошириладиган яна бир лойиҳа, бу — “Бахтли болалик шарофига” лойиҳаси. Мазкур лойиҳа давомида “темир дафтар”, “аёллар дафтари”га киритилган оилаларнинг болалари учун концерт дастурлари ҳамда уларни қизиқтирадиган турли кўнгилочар ўйинлар бўлиб ўтади. Матбуот анжуманида фестивал доирасида амалга оширилиши режалаштирилган барча лойиҳалар бўйича батафсил маълумотлар берилди.

«Халқ сўзи».

# ҚУЁШ ТАФТИ, ОЙ ЛАТОФАТИ МУЖАССАМ ШАҲАР



**1** Мутахассисларнинг айтишича, XX аср бошларида Бухорода 400 та заргарлик дўкони фаолият юритган. Бу ҳам маҳаллий усталарнинг қимматбахо маъданларга ишлов беришни санъат даражасига кўтарганини англатади. Бошқача айтганда, Зарафшон тупроқидан олинган тиллою кумушлар инсон ақл-заковати билан кўзни яшнатадиган, кўнглиларга завқу

мизни, қадимий цивилизация ютуқларини асраб-авайлаб келаётган шаҳарларимиздан бири ҳисобланади.

## Рағбат — муваффақиятга кафолат

Ҳозир Бухорода ота-боболардан мерос хўнарларни кўз қорачиғидек ас-



шавқ бағишловчи санъат асарига, гўзаллик ва нафосат тилмоғига айланган. Бухоро давлат музей-қўриқонасида ҳозир ана шундай нодир заргарлик буюмларининг мингдан зиёди сақланмоқда. Уларда Қуръон суралари, ҳикматли сўзлар, панду ўғитлар жуда нозик дид билан ёзилганини кўриш мумкин.

— Бу юрт одамлари азал-азалдан дунёга, дунё эса Бухорои шарифга талпиниб яшаган, — давом этади Ш. Ҳайитов. — Сирасини айтганда, илму маърифат, маънавият бешиги саналган Бухоро бизнинг буюқ тарихи-

раб-авайлаб келаётган, уларни санъат даражасига кўтарган уста-хўнармандлар жуда кўп. Шодмон Саидмуродов — уларнинг бири. 13 йилдан буён заргарлик билан жиддий шуғулланиб келаётган бу йилнинг ҳаётида унутилмас воқеалар кўп бўлган. Хўнарманд хусусан, ўзига ЮНЕСКОнинг "Сифат белгиси" сертификатини топиши билан инсониятнинг маънавиятига қўшган ҳиссасини маънавий раҳбар билан тилга олади.

— Аввалига ганчкорлик билан шуғулланганман, — дейди у. — Биласиз, ганчкорлик ҳам кишидан ижодий ёндашувни талаб қилади. Уй-фикрим нақшлар дунёсида шўнғиб юрганида

устозларим "Хар бир ишни заргарона бахор", дея йўл-йўрик беришарди. Шу сабаб бўлди чоғи, менда ганчкорликдаги нақшлар жиҳосини заргарликда қўллаш фикри туғилди. Шу касбга кўнгли кўйиб, унинг сир-асрорларини устозим Нўзод Зариповдан кўнг билан ўрдим.

Заргарлик нозик касб. У инсондан юксак дид, кўнгил ва сабр-тоқат талаб этади. Шодмон бунга ўз фаолияти миқдоридан ишонч ҳосил қилди. Орта қолган ўн йил давомида тақинчоқ ва тилла буюмларнинг ўндан зиёд асл нусхасини яратди. Заргарликда унутилма ёзган босма, филигран ҳамда иссиқ эмал технологиясини қайта тиклашга муваффақ бўлди. Шу каби меҳнатлари овозига ЮНЕСКОнинг "Сифат белгиси" сертификатини қўлга киритди.

Оддий бир хўнарманд эришаётган ютуқларда давлатимиз раҳбари ва ҳукуматимиз томонидан халқ амалий санъатини янада ривожлантириш, хўнармандларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида қабул қилинган Фармон ҳамда қарорлари муҳим аҳамият касб этмоқда. Масалан, "Хўнарманд" уюшмасига аъзо усталарга солиқ борасида имтиёзлар берилган. Заргарлар эса қўймаги беш минг АҚШ долларигача бўлган маҳсулотни хорижга олиб чиқиш имконига эга. Бу эса хўнармандларни янада изланишга, кўпроқ ишлашга ундамоқда.

Шодмон Саидмуродовга келсак, унинг "Минораи Калон", "Ҳумо қуши", "Қашкар балдоқ" каби асарлари ўзига хос композицион ечими, фалсафий мазмуни, жозибаси билан кишини ўзига мафтун этади. Унинг қадимий қарвонсаройдаги ҳужрадан бирда жойлашган устaxonаси хорижий сайёҳлар билан доим гавжум. Меҳмонлар устанинг иштини кузатишда, кўп меҳнати маҳсули бўлган заргарлик буюмларини мароқ билан ташна томоша қилишди, буюртмалар беришарди. Уста, хатто интернет воситасида буюртма олиб, уни бекам кутиб бажармоқда. Унинг туркум заргарлик маҳсулотлари халқро фестивалъ кўргазмасидан ўрин олади, албатта.

— Шу хўнар ортидан кўп юртларда бўлдим. АҚШ, Венгрия, Россия, Қозғистон сингари давлатларда ташкил этилган халқро фестивалларда қатнашдим, — дейди заргар. — Қай бир давлатда бўлмай, албатта, музейларга киранам. Уларда биз, ўзбекистонлик хўнармандларнинг асарларини кўрганимда, кўнглим тоғдек кўтарилади. Миллий қадриятларимизни улуғлашга хизмат қиладиган хўнар билан шуғулланаётганимдан фахрланаман.

Хўршида нафақат зардўз, балки ўнлаб шогирд тайёрлаган меҳрибон устоз ҳамдир. Ундан хўнар ўрганиш ишлққдаги қизлар учун хондончининг эшиги доимо очик, Бугунги кунда мустақил тарзда ишлаб, оиласи ва жамиятга фойда келтираётган шогирдлари ҳам кўп.

Умуман, Бухоро зардўзчилигида "зардўзи-заминдўзи", "зардўзи-гўлдўзи", "зардўзи-беришмидўзи" каби қадимий усуллар бор. Хуршида Рузаева шу усуллар асосида кўл меҳнатининг ажойиб намуналарини яратмоқда. Ўз асарлари билан мамлакат ва халқро миқёсда ўтказилаётган нуфузли анкуманларда фаол иштирок этапти.

— Хўнармандлик авлоддан-авлодга ўтиб келаётган миллий қадриятларимизнинг ўзига хос кўринишидир, — дейди у. — Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан Бухорода "Зардўзлик ва заргарлик" халқро фестивалининг ўтказилишини биз, халқ амалий санъати усталарига билдирилган катта бир ишонч деб биламан. Ота-боболардан мерос бу хўнарни кўз қорачиғидек асраб, уни келгуси авлодга етказиш маъсулияти зиммамизда турибди. Ортимизда халқ бадиий хўнармандчилиги ва амалий санъатга кўрсатилаётган юксак эътибор мила-

мандчилик анжомини тутган, ишни оддий белбоғ, елпиғич, чойнаққиз тиқиш билан бошлаган ёш қиз йиллари ўтиб, моҳир зардўз бўлиб етишди.

— Хўнарманднинг қалб кўри билан яратилган зардўзлик буюмлари ясаш — мўъжиза, — дейди у. — Халқимизнинг ҳаёт тарзи, урф-одатлари билан боғлиқ бўлган бу санъат қўнгул чеварлар томонидан асрлар оша шакл ва бадиий жиҳатдан янада сайқалланиб келаётти.

Хуршида нафақат зардўз, балки ўнлаб шогирд тайёрлаган меҳрибон устоз ҳамдир. Ундан хўнар ўрганиш ишлққдаги қизлар учун хондончининг эшиги доимо очик, Бугунги кунда мустақил тарзда ишлаб, оиласи ва жамиятга фойда келтираётган шогирдлари ҳам кўп.

Умуман, Бухоро зардўзчилигида "зардўзи-заминдўзи", "зардўзи-гўлдўзи", "зардўзи-беришмидўзи" каби қадимий усуллар бор. Хуршида Рузаева шу усуллар асосида кўл меҳнатининг ажойиб намуналарини яратмоқда. Ўз асарлари билан мамлакат ва халқро миқёсда ўтказилаётган нуфузли анкуманларда фаол иштирок этапти.

— Хўнармандлик авлоддан-авлодга ўтиб келаётган миллий қадриятларимизнинг ўзига хос кўринишидир, — дейди у. — Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан Бухорода "Зардўзлик ва заргарлик" халқро фестивалининг ўтказилишини биз, халқ амалий санъати усталарига билдирилган катта бир ишонч деб биламан. Ота-боболардан мерос бу хўнарни кўз қорачиғидек асраб, уни келгуси авлодга етказиш маъсулияти зиммамизда турибди. Ортимизда халқ бадиий хўнармандчилиги ва амалий санъатга кўрсатилаётган юксак эътибор мила-

тимиз номини бутун жаҳонга ёйишга хизмат қилаётти.

## Миллий рух жозибаси

Қадимий шаҳарда фестивалга тайёргарлик юмушлари ниҳоясига етмоқда. Атроф рангбаранг гулларга бурканган. Шинам кўчалар, салқин хийбонларда байрамона рух ҳукмрон. Тунги чироклар ёғдусидан кўнча Бухоро яшаргандек таассурот қолдиради.

— Халқро фестивалга пухта ҳозирлик кўрилди, — дейди республика "Хўнарманд" уюшмаси вилоят бошқармаси бошлиғи Акбар Мухамедов. — Тадбирга хорижий давлатлар ҳамда республикамизнинг турли вилоятларидан юздан зиёд ўз ишининг устаси саналган зардўз ва заргарлар, сайёҳлар, чет эл давлатларининг мамлакатимиздаги дипломатик ваколатхоналари вакиллари, кўплаб мутахассислар иштирок этиши кутиляпти. Фестивалнинг очилиш ва ёпилиш маросимлари кўнча Арқ қалъаси майдонида ўтказилади. Хўнармандчилигининг шу қалъа худудидан, то Лабкировиқ мажмуасига-ча бўлган ҳудудда кўргазма-савдо ярмаркаларини ўтказиши, иш жараёнини кўрсатишлари учун барча қўлайлик яратилди.

— Фестивални рисоладагидек ўтказиш учун вилоят ҳокими бошчилигида штаб тузилган, — дейди вилоят туризми ва маданий мерос бош бошқармаси масъул ходими Бобур Тўхсанов. — Хар бир жаҳонда мониторинг ишлари олиб бориляпти. Шаҳримизга келадиган меҳмонларни қўлиб олиши, меҳмонхоналарга жойлаштириш, улар вақтинчи мазмунли ўтказиш юзасидан аниқ чора-тадбирлар белгиланган. Чунон-

## Илм-фан фидойилари

Бугун Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университетида Ўзбекистон Республикаси фан арбоби, академик, "Буюк хизматлари учун" ордени соҳиби Ботирхон Валихўжаев таваллудининг 90 йиллиғи муносабати билан республика миқёсидаги илмий-амалий конференция бўлиб ўтади. "Академик Ботирхон Валихўжаев ва мумтоз адабиётшунослик" мавзусидаги ушбу анжуманда олимнинг мамлакатимиз илм-фани равнақидидаги алоҳида ўрнига эътибор қаратилади. Шунингдек, бу инсон билан боғлиқ эсдаликлар хотирланади.

Дарҳақиқат, салмоқли илмий-ижодий мероси билан ўзбек адабиётшунослигида катта ўрин тутган атоқли олим шахс сифатида ҳам ибрат олишига аризулик фазилатларга эга эди. Куйидаги мақолада академик Ботирхон Валихўжаевнинг сийрати, гўзал ички олами, эзгу ишлатлари ҳақида сўз боради.



# ХОКСОРЛИК ТИМСОЛИ

Хоксорлик — ҳақиқий инсонийлик мезони. Хоксорлик — кибриинг тескариси. Фақир одам хоксор бўлади, чунки унинг имкониятлари чеклангани сабаб ҳаммиса боши эгик. Қаноатли инсон, бировдан кам жойи бўлмаса ҳам ҳаммиса камтарона юриш-турушини афзал билади. Инсон табиати шундайки, улуғлангани сари кибрланиш пайдо бўлади. Атрофдагиларнинг мулозимати, унинг фикри билан ҳисоблашиш ва ҳоказо ҳолатлар инсонни ҳаво-лантиради, ўзига бино кўн бошлайди. Агар мансабдор бўлса, кибр хизмат макеани суиистеъмол қилиш, атрофдагиларга паст назар билан қараб, бугунги кунда тез-тез иштилатиладиган ишора — оёғи ердан узиллишига олиб келади. Бой-бадавлат бўла туриб ёнқи жамиятда улуғ мансаб ва мартабаларга эришган одамларнинг орасида хоксор табиатли инсонлар жуда кам учрайди. Хоксор бўлиш турма эмас, балки қўрилган тарбиянинг мукамаллиғи, ҳаёт фалсафасини чуқур тушулиши, маданияти ва маънавиятининг юксаклигидан далолат беради.

Самарқандда яшаб ўтган Ўзбекистон Республикаси фан арбоби, бир канча давлат мукофотлари соҳиби, филология фанлари доктори, профессор, академик Ботирхон Валихўжаев ана шундай улуғ фазилатлари билан кўнчилигининг қалбидан жой олган инсон эди.

Халқимиз маънавий ҳаёти тарихида сезиларли из қолдирган олим Абдурахмон Жомийга ўхшатаман. Мен 26 ёшимда, 1987 йили Самарқанд давлат университетига ишга келганимдан, то умрининг сўнгги кунларигача ул зот билан яқин муносабатда бўлдим. Ҳаётимда икки фаришатасифат оданини учратганман. Бирини отам бўлса, иккинчиси устозим Ботирхон домла эди.

Бундай улуғ инсонлар хар бир замонда қўллаб учрайди. Уларга киши ибрат кўзи билан қарайди, ўз хатти-ҳаракатини тузатади, камчиликлари бўлса, хулоса қилади, қисқача айтганда, бундай инсонлардан хоксорлигини ўрганади.

Хоксорлик, яъни ўзини тупроқ қадар паст туттиш деганда нимани тушунамиз? Албатта, ўта камтарлилик, тавозе, беозор бўлиш, катталарга ҳурмат ва кичикларга иззат кўрсатишнинг олий намунаси, эришган муваффақиятидан дам урмаслик, балки уни яшириш, ҳаётда қаноат, саховат, эзгулик, камсуқумлик ва андишани ўзининг шиори деб билган кишини хоксор, бошқача айтганда, юксак маданият ва маънавият соҳиби дейиш мумкин. Яшириб нима қиламиз, бўйлик ва мансаб инсон обрўси ва улуғлиғи кўрсатиши бўлган жамиятда кўнчилик бундай инсонлар Яратганин азиз бандалари эканлигини хаёлларига ҳам келтирмайди ва уларга ачиниш билан қарай-

ди. Гўё улар бечора, омадсиз одамлардек. Аслида-чи? Шундай муносабатлар гирдо-бида ўзининг маънави юксак фазилатларини сақлаб қолиш инсоннинг ботиний рўҳий олами илоҳий нурдан баҳраманд эканидан далолат беради. Боз устига, муайян мансаб эгаси бўлиб туриб шундай фазилатларга эга инсонни учратсангиз, уни қанчалар улуғласангиз шунча кам. Чунки иззат ва шухрат шохуспасида туриб хоксор бўлиш — қаҳрамонлик.

Ботирхон домла Самарқанд давлат университети ўзбек ва тожик филологияси факультетида декан, ўзбек мумтоз адабиёти тарихи кафедрасида мудири, университет проректори, бир пайтининг узида қатор вилоят жамоат ташкилотларида фахрий раис бўлиб ишлаган. Қаерда фаолият юритмасин, қилган қарорлари, тулган тутумлари барча ёш кексаниннг эътирофига сазовор бўларди. Айрим пайтлар кимлардир кўнчилигини гашлар, сабаб-бесабаб озор берар, кўрсатган луфларини фаросатсизларча қадсизлар эди. Шундай пайтларда домла бошини эгиб, хаёлга ботарди, қўллари кетма-кет сигарет қутисига бориб келаверар эди. Домланинг рўҳиятидаги ўзгариш н сезиб, "домла, ўтлардан дамлама чой қилиб берай, тинчлантиради" десам, пайиросини кўрсатиб: "бу ўт эмасми?" деб маҳоркага ишора қиларди қилиб.

## Оддийлик ва камсуқумлик

Ҳазрат Алишер Навоий "Ҳамсат ул-му-тахаййирин" асариде ёзишча, Абдурахмон Жомийнинг овозасини эшитиб, узоқ юртлардан унинг шўхбатыда қатнашиш учун келган мухлислар уни ўтирганлар орасидан таниб ололмас экан. Унинг хоксорлиги шу даражада эканки, юриш-туруши, гапириш-тигиллаш, кийиниш ва ёйиш-ичишида ўз хизматкорлари билан ўрталарида фарқ бўлмас экан.

Ботирхон Валихўжаев сурату сийратиде ҳам ана шундай фазилатлар зоҳир эди.

...Уша даврларда кафедра мудирилари алоҳида хонада ўтирмасди. Хона тўғрида турган каттароқ стол кафедра дўғига тегишли бўларди. Ҳозир эса кафедра мудирилари алоҳида хона бермасанлар, ўзини камситилган ҳисоблаб юради. Лаборантга эса хона остонасига яқин жойда стол қўйиб берилади. Мен лаборант эдим. Кўн давомида кафедра ёзув-чизув ва декан таъминоти билан бажариш, ўқитувчиларнинг дарсларга қатнашиш жадвалини назорат қилиш ва йиғилиш баённомалари, ҳужжатларни расмийлаштириш, хулоса, кафедранинг барча "қора ишлари" зиммамда эди. Ўқитувчилар фақат танаффус пайтлари кафедрага кирар, бошқа пайтлари

аудиторияда дарс бериш билан банд бўларди. Фақат мен ва мудири кафедрада муқим ўтирар эдик. Дарсга кириб-кичишлирини ҳисобга олмаганда, домла хар кўни эртдан кенгача кафедрада ўтирар эди. Ботирхон домла ёнида бўлиш менга завқ бағишларди. Хар бир гапи менга йўлланмадек туюларди. У кишининг ҳеч вақт берок ўтирганлиги кўрмаганмиз. Доим ё ректорат топириқларини баҳарий ёки дисертация ўқиш билан банд бўларди. Ректорат топириқларини ҳозиргиларга ўхшаб кимларгадир топириб қўймадсан, ўзлари қиларди. Вазифаларини виждонан бажарар, амалга ошириши керак бўлган ишни бошқаларга юкляб "қўлим" қилишни ўзига эп кўрмасди. Кимлардир лаборантни қул каби ишлатар, узининг қозғолироу эски маърузаларини машинада кўчириб келишга мажбур қиларди. Домла ҳеч қачон бундай юмушини менга бермаган. У кишининг хар бир хатти-ҳаракати тарбия намунаси эди.

...Бир кўни кафедрага салобатли киши кириб келди. Одоб бўлиб қўли олиб, раҳматли академик Воҳид Абдуллодан кафедрага мерос қолган баланд сунячлики диванга ўтиригиздим. Чой тақлим этдим. Меҳмон узоқ вилоятдан келгани, Ботирхон ака билан танишиб, қизининг илмий ишине маслаҳатлашиш учун келганини айтиди. Гапдан гап чиқиб, кичик бир қорхонага раҳбар экани, вақти тизгилигини рўқча қиларкан, домла билан тезроқ ўқитиришни сўради. Домла дарсда эди. Мен ақин орада бўладиган танаффус пайти ўқитувчилар кафедрага кириши ва домла билан ҳам шу ерда гаплашиб олишини айтиб, бир юмуш билан деканатга чиқдим. Танаффусга кўнгирик чалинди. Кетатурди, домланинг кафедрага кириб кетаётганига кўзим тушди. Ҳартуғли, бугун ўқитувчилар кам, бемалол меҳмон билан гаплашиб олишадиган бўлди, деб бемалоллиқтир деканатда ишларини бажардим. Дарсга киришга кўнгирик чалинган, домла ана дарсга кириб кетгани ва меҳмоннинг ҳам иши битганига ишонч ҳосил қилган ҳолда кафедрага кириб бордин. Қарасам, меҳмон хали ҳам диванга ястанганча қолдиб ўтирибди.

— Қайдай, муродингиз ҳосил бўлдими? — дедим ана чой узатиб.

— Домла келмади-ку ҳалиям, — деди меҳмон.

— Ахир ҳозиргина олдингиздан чиққан одам академик Валихўжаев бўлади, — ажабландим мен. — Ўзини таништирмадим?

Меҳмоннинг авозини ўзгарди: — Наҳотки, шу инсон академик бўлса, мен у кишини оддий домлардан бири деб ўйлабман. Чоиндак чой тугаган экан, чой дамлаб берди. Туриб, бурнақдан қанд-курс олиб келиб манзират қилди. Чой

қилди. "Ҳўш, хизмат" деб сўраганлари ҳам йўқ. Қайтага "йўлдан толиқиб келган бўлсангиз керак, Шухратжон ҳозир келиб қолади. Ўз уйингиздагидек бемалол ўтирин" деса, мен шу кафедранинг оддий ўқитувчилардан бири деб ўйлабман. Бир оғиз гапирмадим. Ҳатто Валихўжаевни кўпяман демабман ҳам.

Ушанда меҳмоннинг аҳолини кўринг эди. У ҳай-ҳайланганимга қарамай, шартта туриб уятдан бошини сарак-сарак қилиб чиқиб кетди. Менимча, домла кирганда ўрнидан турмаган ҳам бўлса керак. Домла жуда камтарона кийилар, муносабатларда тавозеини ўрнига қўяр, ҳеч қачон ўзини катта тутмасди.

## Безорлик

Факультетимизни янги бинога кўчиришди. Ректоримиз домланинг академиклигини ҳисобга олиб, кафедра ёнидан бир кичик хона ажратди. Ҳатто алоҳида телефон ҳам ўтказиб берилди. Хар тўқисда бир айб доганларидек, кафедрада бир умр мажбур бўлган телефон эса узиб қўйилди. Нима эмиш, кафедра мудирига берилган телефондан бошқалар фойдаланса етарли экан. Майли, нима ҳам дердик. Зарур пайтларда, гарчи нуқулмай бўлса-да, домладан рухсат олиб у кишининг олдида телефонда гаплашишга мажбур бўлардик.

Бир кўни ректоратга телефон қилишимга тўғри келди. Домла кабинетда қозғолири ўқиш билан банд эди. Секин хонага бош сукдим-да, "телефон қилсам майлими?" дегандек, телефонга ишора қилдим. "Бемалол, марҳамат", деди. Кириб гўшакини кўтардим. Телефон ишлаган экан. "Телефон ишламаётган экан домла, уэр, сизни безовта қилдим", десам, кўзойнақлари остидан маъноли қараб, "Ие, ишламай қўлибди-ми, мен уэр сўрайман сиздан", деб қўйди. Ташқарига чиқдиму домланинг гапларидан таъбирландим: "ана фаросату мана назокат, ана улуглиғи мана безорлик! Домла бу телефоннинг ишламаслигини, чамамда, биларди. Агар менга тўғридан-тўғри "телефон ишламаяпти" деганида, "менга халақит берма", деган маъно чиқши ва кўнглимда озурдалик пайдо бўлишини ҳисобга олиб, ўзим ишонч ҳосил қилишимга имкон берди".

...Менимча, ўша кўни меҳмон катта ҳаётий сабоқ олган эди.

## Камтарлик

Домлани камтарлиққа ҳеч қим билан қийёс қила олмаيمان. Бу инсоннинг факультет эшигидан кириб борар экан, эшик олдида бир тўхтаб оладиган одати бор эди. Ёнида турган одамга, қандай ёшда бўлишдан қатъи назар, бу кўпична талабалар бўларди, "қани, марҳамат" деб, қўли билан олдинга ўтишга ишора қиларди. Таниганлар "йўғ-э, домла, сиздан кейин" деса, айримлар индамай ўтиб ҳам кетаверарди. Бу кишини танимаганлар, билмадими, оддий ходим деб ўйлар эди, шекилли. Биз эса домланинг бу фазилатини кўриб, ичимизда тасаннолар айтар эдик.

Бир кўни домланикка бордим. Дарвозадан кириб, ҳовли ўртасида овоз чиқардим. Устоз болохона деразасини очиб, бош чиқарди-да, юқорига кўтарилишини айтиди. У киши доим болохонада ижод билан вақт ўтказарди. Зинадан кўтарилди, хонага кираривришдаги ойнаванда даҳлизга оёқ қийимини ечиб ичкарига кирдим. Сўхбат ана чўзилди. Ҳатто ўртада янгарошди (умр йўлдошини шундай деб қаққардик) ҳам қаердандир етиб келиб, ярим қосадан овқат ҳам тортиди. Кетар маҳал бўлди. Ҳажимга яхши тилаклар айтиб дуо қилди. Хондан даҳлизга чиқар эшикка етганимизда, "қани, марҳамат", деб менга йўл берди. У киши уй эгаси, мен меҳмонман. Чикай деса-ман, устозимдан олдин чиқиб — беодоблик. Чикай деса-ман, у киши мени кузатиб қўётгани учун олдин чиқшимини қўлиб турибди. У киши академик, ёши улуг инсон, мен эса, бош-йўғи бир ёш таққирлиқ шогирдман. "Домла, уэр, сиздан бўлсин", дея орқага тисарилдим-у, устозга йўл бердим. Тушундимки, домланинг ҳам олдинга ўтишдан бошқа илоҳи қолмаганди. Шу пайтда содир бўлган воқеа бир умр кўз олдимда қолди. Домла даҳлизга қадам ташладиди энгашиб, чекада турган тўғлимни олиб, тўғрилаб оёғим остига қўйса бўладими?! Пешонамдан тер чиқиб кетди. "Ҳай-хай" деб домланинг қўллари ушлаганча қолдим. Зинадан қандай тушганимни ҳам, домла билан қандай хайрлашганимни ҳам эслолмайман. Кўнча чиқиб ўзимга келдим... Ана, хоксорлиқнинг олий намунаси!

## Андишалилик

Университет ректори қўярда-қўймай домла маънавий-тарбиявий ишлар бўйича проректор лавозимига тайинлади. Домла жуда каттиқ ўйларди. Табиийки, бу лавозим илмий иш билан мунтазам шуғулланиш, севишли машғулотни — талабалар билан доим мулоқотдан узоқлаштирар эди. Домла жуда сиқилиб юрди, аммо наноиж, билдирган ишончнинг рад этиши ўзига кўрсатиларган юксак эътиборни қадрламаслик деб қаралишдан безовта бўлиб, рози бўлди. Домла хар бир кирган одам, ёшми, қарими, талабами ёки профессорим, ўрнидан туриб қўли олар, эшиккача кузатиб қўярди. Проректорнинг иши кўп, ҳали йи-

...Хар гал Самарқандга йўлим тушса устозим қабрини, албатта, зиёрат қиламан. Ҳаёлан у киши билан мулоқотда бўламан. Дуолари мустажоб бўлганини айтиб, кўнглимга ёш оламан. Шундай инсонни менга нафақат илмда, балки ҳаётда ҳам устоз қилган Яратган эгамга шукрлар қиламан.

Шухрат СИРОЖИДИНОВ, филология фанлари доктори, профессор.

чи, шаҳарнинг тарихий қисмида тижорат банклари билан ҳамкорликда туну кун ишлайдиган банкوماتлар ўрнатилди. Тезкор интернет алоқаси йўлга қўйилди. Гид-таржимонлар учун семинарлар ташкил этилди.

Айтмоқчи, фестивалнинг асосий тадбирлари ўтиши кўзда тутилган Арқ қўргони олдидаги майдонда Бухоронинг қадимий "Шибирма" сирғаси шаклидаги саҳна бунёд этилди. Иккинчи нафар томошабоғи мўлжалланган бу гушаниннг қўриғини ҳам шаҳарда халқ амалий санъатининг илдизлари олис мўзийга бориб тақалишга қичиб бир ишорадир.

Фестиваль дастуридан эса қўллаб тадбирлар ўрин олган. Чунонки, хўнармандчиликка оид фильмлар, китоблар, альбомлар, фотосуратлар намойиш этилади. Хар бир ҳудуднинг миллий хўнармандчилигини ўзида акс эттирган шаҳарчалар макетлари ўрнатилди. Ўтказиладиган кўнгилочар тадбирлар, тақдирот маросимлари ҳам меҳмонларда катта таассурот қолдириши, шубҳасиз.

Фестиваль кунлари соҳаниннг етакчи мутахассислари, экспертлар иштирокида "Анъанавий зардўзлик ва заргарлик санъатини ривожлантириш истиқболлари" мавзусида илмий-амалий конференция ҳам ташкил қилинади.

Истам ИБРОҲИМОВ («Халқ сўзи»).